



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 17-avgust, chorshanba • № 34 (734) • 1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА


23-24 август кунлари мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташириф чоғида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

12 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи йили мажлисини шу йил 26-27 августда Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

11 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди.




Чимбойда янги қўшма корхона

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида "Chimbay-Lanwood" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.

Замонавий технология билан жиҳозланган мазкур корхона ширинмия илдизи қолдиқларидан бир суткада минг квадрат метрга қурилиш материали — ДСП ишлаб чиқариш қувватига эга. Хомашё таъминотида тумандаги яна бир Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси — "Lanextrakt" билан ҳамкорликнинг йўлга

қўйилгани яхши самара бераётир. Янги корхонада юз нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. **Суратда:** (чапдан) ишчилар Саламат Нурлибоев, Базарбай Бекназаров ва Мийратдин Қурбанов; корхона ишчилари Онгарбой Абибуллаев ва Бахадур Салатдинов. **Арслон КАННАЗАРОВ** (ЎЗА) олган сурат

АЛОҲИДА ЭЪТИБОРТАЛАБ МАСАЛА



Одам савдосига қарши курашни амалга оширувчи барча мансабдор шахсларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилган йиғилишда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини янада жадаллаштириш ва такомиллаштириш комиссияси фаолиятининг бош мезони экани таъкидланди.

ҚАДРИЯТЛАР ҲОҶИ



Бугун маҳаллаларда мамлакатимизда тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удуҳ ҳамда анъаналарини оммалаштириш, аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, шунингдек, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ободонлаштириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

ТАСВИР ОЛАМИ ЖИЛОЛАРИ



Ҳайбат аъзолари ёш рассомларимизнинг барчасини голиб деб топди. Саккиз номинациядаги барча соҳиллар уларга тегили. Журналистларнинг нега саккизта голиблик ўрни бир мамлакатдан келган болаларга берилди, деган саволларига ҳайбат аъзолари болалар олган тўғри профессионал таълим, яъни маҳорат ҳамда улардаги болаларча тоза санимийлик бизнинг талабларимиздан устун келди, деб жавоб бердилар.

✓ Фаолият

Ҳамкасбларга кўмакдошмиз

Бугун юртимизда оммавий ахборот воситаларини ҳар жихатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ташкил этилгани ва у соҳа ривожини йўлида бир қатор тадбирларни амалга ошириб келаётгани сўзимизнинг амалий тасдиғидир. Ҳўш, жамоат фонди ўзининг олти йиллик фаолияти мобайнида зиммасига юклатилган вазифаларни қай даражада удаллади? Бугунги кунда қандай лойиҳаларни амалга оширмоқда, уларнинг самораси нималарда бўй кўрсатмоқда? Энг улуг, энг азият байрамимиз арафасида фонд директори Абдулалли АБДУЛЛАЕВ мухбиримизга ана шулар хусусида сўзлаб берди.




4 >>

Маънавий ислоҳотлар ва мустақил тараққиёт йўли

Халқимиз маънавият ва маданият, таълим ва тарбия соҳаларида бой меросга эга бўлиб, ёш авлодини ҳамиша инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, биродарлик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатлар руҳида тарбиялаб келган. Президентимиз Ислоҳ Каримов "Юксак маънавият — энгилмас куч" асариде таъкидлаганидек, "Маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этикоддини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".

Маънавият — ажодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, ажодларимиз тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади. Тарихимизнинг бойлиги ва буюклиги, аввало, халқимизнинг юксак маънавияти ва маърифати билан боғлиқдир.



Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдуллоқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк ажодларимиз инсоният та-

раққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшганлар. Темурийлар, Бобурийлар томонидан яратилган буюк салтанатлар, улар раҳнамолигида барпо этилган муҳташам тарихий обидалар бугун ҳам халқимиз даҳосининг ёрқин наму-

налари сифатида дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Инсон камолоти ва юксак маънавияти ҳақида гап кетганда, ижтимоий муҳит ҳақида ҳам фикр юритиш жоиз. Чунки қадимда ота-боболаримиз ўз фарзандлари тарбияси масаласига катта масъулият, жиддий эътибор билан ёндашганлар. Масалан, бола тарбияси билан асосан диний-дунёвий илм соҳасида оқила энагалар ёки илм-маърифатда катта обрў-эътиборга эга устоз-мураббийлар шугулланган. Доно халқимизда "Қуш уясида кўрганини қиладди" деган ибратли сўзлар бежиз айтилмаган. Яъни, ҳар бир шахснинг ўсиб камол топишида у яшаган оила муҳити, устозлари ва мавжуд ижтимоий шароитлар муҳим ўрин тутлади.

2 >>

Маънавий ислохотлар ва мустақил тараққиёт йўли

(Бошланғич 1-бета.)

Афсуски, эски тузум замонида таълим-тарбия, маърифат ва маданиятга иккинчи даражали соҳалар деб қаралди. “Маънавият” сўзининг ўзи тилимизда истемолдан чиқариб юборилдики, бу тушунча замиридаги қадриятларимизнинг ўша даврдаги аҳоли ҳақида гапирмас ҳам бўлади.

Шу боисдан, истиқлол арафасида маънавият соҳасига бекиёс этибор қаратилиб, Ўртабшарқимиз саъй-ҳаракатлари билан тилимизда, демалки, онгу тафаккуримиз — дунёқарашида маънавий бойликлар, маънавий тарбия, халқ маънавий бойлиги, халқ маънавияти, маънавий бурч каби тушунчалар янгидан шаклланди. Биргина мисол: агар ўтган асрнинг 70-80-йилларида чоп этилган икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га ҳам, ўн тўрт жилдлик “Ўзбек совет энциклопедияси”га ҳам “маънавият” сўзи киритилмаган, демалки, бу тушунчага таъриф берилмаган бўлса, 2009 йилда нашр этилган “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати” номли алоҳида китобда одамзод учун бебаҳо бойлик бўлмиш маънавийнинг маъно-мазмунини, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги тугган ўрни, аҳамияти билан боғлиқ энг асосий тушунча ва атамаларнинг кенг изоҳи берилган.

Собик тузум даврида инсон маънавияти, халқ маънавияти, миллатимизнинг маънавий меросига нисбатан бир томонлама ёндашилди, уларга синфий ва партиявий нуқтаи назардан баҳо берилган. Янада аниқроқ айтилган бўлса, яқин ўтмишда маънавий мероснинг минглаб дурдоналари ҳақида сўзлаш, ёзиш, тарғиб-ташвиқ қилиш тақиқланган эди. Юзлаб маънавият даргалари миллатчилик, миллий биқикликда, диндорликда айбланиб, қатагон қилинган. Хатто яқин қариндошининг жанозасида бўлгани, таъзиясига боргани учун юртдошларимизга нисбатан жазо чоралари қўрилиши эски тузумнинг охириги йилларида одатий ҳолга айланганди. Ўртабшарқимиз ибораси билан айтганда, “бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва одатларини, ўз авлод-аждодини билмайдиган манкуртларга таянар эди”.

Тарих синовидадан ўтган ҳақиқат шунки, эзгу гоғларга, маънавий меросга, аъналар ва замонавий талабларга асосланмаган ҳар қандай давлат тизими узокқа боролмайди. Бу ҳақиқатни етмиш йилнинг нари-берисида паторат топ-

ган собик иттифоқнинг қисмати яққол исботлади. Айни вақтда мустақил тузум даврида халқимизнинг кадр-қиммати, шаъни ва гурури поймол этилгани, кўна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани, маънавий қарамлик остида тақдиримиз жар ёқасига келиб қолганини асло унутиб бўлмади.

Шуни таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида амалга оширилаётган маънавий тарғибот фаолияти ўзининг мазмун-моҳият ва аҳамияти жиҳатидан эски даврдаги “пропаганда-агитация ишлари”дан ер билан осмонча фарқ қилади.

Мустақил мамлакатимизнинг Асосий қонуни — Конституцияимизнинг 12-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилмаси мумкин эмас”, деб белгилаб қўйилганини эслаш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда олиб борилаётган маънавий тарғибот-ташвиқот жараёни замирида юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа, касбу корга мансуб бўлган кишиларни маънавий таъжовулардан асраш, уларни оғохликка чорлаш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг оқибатларини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш, энг муҳими, миллий гоғ асосида халқни бирлаштириш, жипслаштириш, ёш авлод онги ва қалбида эзгу гоғларга садоқат туйғуларини тарбиялашга қаратилган тизимли ва аниқ мақсадли амалий ҳаракатлар мужассамдир.

Чунки мақсадимиз оддий ва ҳаётий — одамларимиз қалби ва онгида юқорида зикр этилган инсоний туйғулар қарор топиши, жамиятимизда олижаноб фазилатлар устувор бўлишига эришишдир. Табиийки, бунда юртдошларимизнинг нафақат билимини ошириш, балки улар қалбида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ янги-янги тафаккур, янги гоғларни амалга топтириш, уларни юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз тараққиётини таъминлаш йўлида эзгу ишларга рағбатлантириш, одамлар онгу шуурида ҳаётийнинг турли соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларга дахлдорлик, бунёдкорлик, келажакка ишонч ва шукроналик туйғуларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 20 йиллик шонли санасини нишонлаш арафасида — Президентимиз истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, авваломбор,



барчамизни ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий тарбиясига катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашишга даъват этиб, бунинг сабабини “ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгаларидир” деб уқтиргани ва бу борадаги сиёсат қандай изчиллик ва самардорлик билан давом этаётганига яна бир бор этибор қаратиш жоиз, деб билимиз.

Ўртабшарқимизнинг ташаббуси ва тарихий жасорати билан 1989 йилдаёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, Президентимиз томонидан 1990-1991 йилларда қабул қилинган қатор ҳужжатларга мувофиқ юртимизда “Навроз байрами қайта тиклангани, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари катта байрам ҳамда дам олиш кунлари деб эълон қилингани — бу каби муҳим тарихий қарорлар халқимизнинг асрий орзу ва армонлари рўёбга чиқиши, миллий қадриятларимиз тикланиши йўлида илк йирик қадамлар бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда, унинг энг муҳим масалаларини изчиллик билан ҳал этишда, бу жабадаги ишларни ҳар гал янги, янада юксак босқичга кўтаришда, ҳеч шубҳасиз, Ўртабшарқимизнинг шу борадаги асарлари, маъруза ва нутқлари, фармон ва қарорлари дастуриламал бўлмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан 2006 йил 25 августда имзоланган “Мил-

лий гоғ тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида”ги қарор бу борадаги ташкилий ва амалий ишларни, гоғвий-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорнинг самараси биринчи навбатда шунда намён бўлдики, жойларда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аъна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чўқур синдиришга қаратилган маънавий таъбират ишларига этибор янада кучайди. Бу борадаги фаолият янгича руҳ, маъно-мазмун билан бойиди.

Маъруза қарор асосида Республика Маънавият тарғибот маркази, вилоятларда унинг минтақавий-худудий бўлимлари, шунингдек, Миллий гоғ ва мафкура илмий-амалий маркази, махсус тарғиботчилар гуруҳлари ташкил этилди. Барча вилоятларда ҳокимларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдამчилари фаолият йўлга қўйилди.

Бугунги кунда юртимизда маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, минг йиллар мобайнида сайқалланиб келаётган ибратли аъна ва қадриятларни тарғиб этиш борасида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жойларда кизқарлик кўрик-танловлар, кўргазмалар, учрашув, мулоқот ва давра сўхбатлари уюшти-

рилмоқда, илмий рисоалар чоп этилмоқда, оммавий ахборот воситаларида ранг-баранг материаллар эълон қилинмоқда. Буларнинг барчаси юксак истемол ва тафаккур соҳибларининг салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, одамларнинг маънавий камолотини юксалтириш, аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган бебаҳо маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклашга, энг асосийси, ўзлигимизни англашга катта таъсир кўрсатди. Халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилди. Муҳими, жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири — соғлом маънавий-маърифий муҳит янада мустаҳкамланди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши бугунги кунда ўз атрафида “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, “Маънавият” нашриёти каби 60 га яқин ташкилотни бирлаштириб, уларнинг маънавий-маърифий ва мафкуравий тарғибот йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда. Кенгашнинг фаолияти ўсиб келаётган янги авлоднинг миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда том маънодаги Фидоийлик ва ватанпарварлик муҳитини яратиш, юртдошларимизни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, уларни ёт ва зарарли гоғлардан ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавиятсиз келажақ йўқ”, деган теран маъноли сўзлар билан ифодаланган маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш ҳақидаги даъвати соҳа ходимлари, миллионлаб юртдошларимиз қалбида акс садо берди. Энг муҳими, бугунги кунда нафақат маъруза кенгаши, балки бутун бир тизим фаолияти асосини маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар ташкил этмоқда.

Ҳаётнинг ўзи, тараққиёт қонуниятлари, эришилган марралар, истиқболдаги мақсад ва вазифалар демократик ислохотларни қатъият билан давом эттиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча йўналишлари қаторида маънавият соҳасига оид вазифалар ҳам аниқ белгилаб берилган. Чунки Концепцияда зикр этилган улғувор ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш, аввало, таълим-тарбия, маънавият-маърифат, тарғибот-ташвиқот масалаларига бориб тақалади.

Концепция, ўз моҳиятига кўра, давлат ва жамият ривожининг принциплари жиҳатдан янги босқичда мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича бошланган кенг кўламли ишларни янада изчил давом эттириш дастуридир. Зеро, Ўртабшарқимиз таъкидлаганидек: “Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онига синдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни, инсон қалбига йўл тополмаймиз”.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош гоғси — озоод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш экан, бу гоғ халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди, ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак қадриятларни ўзида мужассам этади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, истиқлолнинг 20 йиллик шонли тарихи давомида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилган маънавий ислохотларнинг бутун қамровини кўрсатиш, маънавий соҳадаги ўзгаришлар самараларининг мустақил тараққиётимизда тугган ўрни ва аҳамиятини, қолаверса, истиқболдаги вазифаларимизнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бериш осон иш эмас. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Маънавият — улзуксиз ҳаракатдаги жараён-дир. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу тиним билмаганлик, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доим ўзгариш ва янгиланишда бўлади”.

Ғулор МИРЗАЕВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари (ЎЗА)

Роғун ГЭСи атрафидаги фирибгарликлар

унинг қурилиши учун сарфланаётган ҳақиқий молиявий манбалар ошкор бўлмоқда

Маълум бўлишича, Тожикистонда 2010 йилнинг бошдаёқ Президентнинг қабул қилинган қарорига биноан Роғун ГЭСини қуриш учун мамлакат ва унинг ташқарисидан “фаолият” олдб бораётган жиноийлашган тузилмаларнинг нопок йўллар билан топилган пуллари ўзлаштирилмоқда.

2010 йилнинг февралда имзоланган “Тожикистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан айрим пул маблағларининг легаллаштирилиши муносабати билан уларни авф қилиш тўғрисида”ги қонунда “Роғун гидроэлектр станцияси” оқияқ акциядорлик жамияти акцияларини сотиб олиш учун фойдаланилган ёки ушбу станция қурилиши тугаллангунча фойдаланиладиган пул маблағлари миқдоридан қатъи назар қонуний ҳисобланади” дейилган.

Маъруза ҳужжатга мувофиқ, аввало, иқтисодий фаолият соҳасида содир этилган жиноятлар натижасида олинган маблағлар авф этилади. Ушбу

рўйхатга Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 10 ва Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг еттидан ортиқ моддаси киритилган. Ноконуний тадбиркорлик ва сохта тадбиркорлик, гайриқонуний йўл билан топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларни легаллаштириш (ўзлаштириш), ноконуний банк фаолияти, ноконуний кредит олиш ёки бериш, пул маблағларидан ноконуний фойдаланиш, қалбаки пул ёки қимматбаҳо қоғозларни тайёрлаш ёхуд сотиш, қимматбаҳо металллар, табиий тошлар ёки марварид, хорижий валюталарни ноконуний сотиш, контрабанда шулар жумласидан...

Боз устига, хорижий мамлакатлардан Тожикистон банкларига аллақерларда қандай йўл билан бўлмасин ортирилган пуллари ўтказиш тақвирини қилишмоқда. Сир эмас, мамлакатда наинки Россия ва бошқа МДҲ давлатлари, хаттоки Европага гиёҳванд моддалар етказиб бериш билан шуғулланаётган уюшган жиноий гуруҳларнинг бошқарилган йирик оғуфрушулар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳеч бир шубҳасиз, Тожикистон ҳокимиятлари капиталларнинг авф қилиниши эълон қилганда, биринчи навбатда, айнан уларнинг маблағларини назарда тутган. Бу маблағларни қонунда кўзда тутилган керакли модда бўйича ўтказишнинг йўли эса осон шеклли.

Бироқ пуллари ўзлаштириш бўйича махсус халқаро ташкилотлар Тожикистон ҳокимиятларининг ҳийла-найранглари тез тушуниб етди. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиш бўйича молиявий чора-тадбирлар-

ни ишлаб чиқиш гуруҳи (ФАТФ) 2011 йилнинг 22-24 июнь кунлари Мехико шаҳрида (Мексика) ўтган ўз ялли мажлисида Тожикистон жиноий йўл билан топилган пуллари ўзлаштиришга йўл қўяётган давлатлар “қора рўйхати”га киритди ва юқорида зикр этилган “Тожикистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан айрим пул маблағларининг легаллаштирилиши муносабати билан уларни авф қилиш тўғрисида”ги қонун бунга асос бўлди. Ташкилот экспертларининг фикрича, ушбу ҳужжат халқаро стандартлар талабларига зид бўлиб, жиноий йўл билан топилган маблағларни қонунийлаштириш учун шароит яратмоқда. Шу муносабат билан Тожикистон қатъий мониторинг қилинади-ган давлатлар сирасига қўшилди.

Шу билан бирга, мамлакат унинг бу борадаги стратегик камчиликлари ҳам кўрсатиб ўтилди:

— маблағларни ўзлаштиришга жиноий тус бериш ва терроризмни маблағ билан таъминлаш БМТнинг 1988 йилда қабул қилинган Наркотик воситалар ва психотроп моддалар ноконуний савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси (Вена конвенцияси), 2000 йилги Трансильвий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (Палерма конвенцияси) ҳамда Терроризмни молиялаштириш тўғрисидаги конвенциясига мос келмайди;

— шахсларнинг БМТ Кўмитаси томонидан Ал-Қоид ва Толибонга нисбатан қўйилган санкциялар бўйича белги-ланган террорчилик маблағлари ёки бошқа активларини музлатиб қўйиш бўйича қонунлар ва тартиблар йўқ;

— Банк сирни тўғрисидаги қонунда Молиявий разведка бўлими ва бошқа ваколатли идораларнинг молиявий ахборотдан фойдаланиши етарли-ка кўзда тутилмаган.

Буларнинг барчаси Роғун

ГЭСи лойиҳаси — бу Ўрта Осиёда кенг қўламли экологик, техноген фалокатларни келтириб чиқарадиган, иқлимни ва табиатдан фойдаланиш режими мисли қўрилмаган даражада ўзгартириб юборадиган, миллионлаб одамлар ҳаёти ва турмушига хавф соладиган шунчаки хавфли ва қалтис хатти-ҳаракатлар эмаслигини яна бир бор тасдиқламоқда. Бунинг устига, бу оддий одамларнинг қони ва азоб-уқубатлари эвазига топилган нопок пуллари ўзлаштириш учун қўйилган мисли қўрилмаган фирибгарлик экани ҳам маълум бўлди.

Шунча далилу исботлардан сўнғ бошқа Халқаро молия ташкилотлари, жумладан Жаҳон банки ҳам ўз номини бул-гаган Роғун ГЭСи лойиҳасининг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаб, обрўсини тўкмаслиги учун тегишли хулосалар чиқарди, деган умиддамиз.

Руслан АБДУЛЛАЕВ,
Parusk.info

Муаммо ва таҳлил

Алоҳида эътибор талаб масала

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиروف раислигида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика Идоралараро комиссияси, унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратура ва тегишли идораларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда комиссия иш режасига асосан одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилояти ҳудудий идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари хусусида Ички ишлар вазирлиги, Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси ҳамда ижтимоий ҳимоя муҳтож аҳоли учун заҳира иш ўринлари яратиш борасидаги фаолият мониторинг натижалари тўғрисида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, одам савдосига

қарши курашиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш юзасидан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳақида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази ҳисоботи эшитилиб, комиссия фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган бир қатор муҳим масалалар муҳофизат қилинди. Қайд этилган ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан муайян ишлар амалга оширилгани эътироф этилиб, йўл кўйилган камчиликлар руй-рост танқид қилинди.

Одам савдосига қарши курашиш амалга оширувчи барча мансабдор шахсларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилган йиғилишда белгиланган тадбирларнинг бажарилишини янада жалдлаштириш ва такомиллаштириш комиссия фаолиятининг бош

мезони экани таъкидланди. Бундан ташқари, одам савдосига қарши курашишда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-хунар коллежалари битирувчиларини ишга жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги инобатга олинган ҳолда, юзага келган муаммонинг пировард натижаси кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва янги иш ўринларини яратиш масалаларига чамбарчас боғлиқлиги ўқтирилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман-шаҳар ҳокимликлари билан бирга касб-хунар коллежалари битирувчилари бандлиги таъминланганлигини мониторинг қилиб бориши, касб-хунар коллежаларини 2010-2011 ўқув йилида битирган ёшларнинг бўш ва янги ташкил этилаётган иш ўринларига эгалланган мутахассисликлари бўйича тўлиқ ишга жойлаштирилиши, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши, оилавий бизнесини ташкил этишга кўмаклашишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалар сифатида алоҳида қайд этилди.

Маълумки, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш

маркази одам савдосига қарши курашиш борасида олиб бораётган сўровлар кўламининг кенгайиши мазкур муаммо моҳиятини очишга катта ёрдам беради. Шу боис, йиғилишда бу йўналишдаги ишларни янада чуқурлаштириш, одам савдосига замин яратаяётган омиллар, шарт-шароитларни чуқур ва атрофлича ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида тарғибот тадбирларини жалдлаштириш, одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, психологик, юридик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш комиссиясининг асосий мақсадларидан бири эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда мавжуд муаммони ҳал этишда йўл кўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашиш чораларини 2010-2011 ўқув йилида битирган ёшларнинг бўш ва янги ташкил этилаётган иш ўринларига эгалланган мутахассисликлари бўйича тўлиқ ишга жойлаштирилиши, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши, оилавий бизнесини ташкил этишга кўмаклашишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим вазифалар сифатида алоҳида қайд этилди.


Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова қатнашди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси

Фаолият

Илк қадам

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига асосланган барча йўналишлари йил сайин такомиллашиб бормоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишини мулк бозорининг шаклланиши йўлидаги изчил саяё-ҳаракатлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.



аъкидлаш жоизки, Қонун талабига кўра эндиликда риэлторлик ташкилоти тегишли ҳуқуққа эга бўлган тижорат ташкилоти, риэлтор эса раҳбар ҳамда малака сертификатига эга бўлган риэлторлик ташкилоти бўлади. Янада ташкилоти фаолиятини яратиш имкониятини кўлга киритган жисмоний шахсга айланди.

Риэлторлик ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Ташкилот таркиби иш ўринлари жадалига мувофиқ малака сертификатига эга бўлган камидан икки нафар ходимдан иборат бўлади. Ташкилот раҳбарининг аризага кўра бир ёки бир неча турдаги риэлторлик хизматлари кўрсатиш учун лицензия берилиши мумкин.

Шунинг эътиборлики, бундай ташкилотлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ташкил этилмайди, ўз фаолиятини фуқа-

ролик жавобгарлигини суғурта қилиш полиси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширади. Ўз навбатида, белгиланган тартибга мувофиқ ўз фаолият турида назарда тутилмаган соҳалар билан шуғулланишга ҳам ҳақли эмас.

Кўриниб турибдики, риэлторлик ташкилотлари олдидаги масъулият кўчмас мулк бозорини тартибга солиш, мулк эгаларининг ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир. Ҳозирги пайтда риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган «Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти, унинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари мазкур қонун доирасида иш олиб бормоқда. Масъулияти чекланган жамият мутахассислари Республика Давлат мулк кўмитасининг баҳолаш, биржа ва риэлторлик фаолиятини лицензиялаш бошқармаси томонидан ўтказилган ўқув семинарларида иштирок этиб, махсус сертификатларга эга бўлдилар.

Айни пайтда ташкилотнинг Қашқадарё вилояти филиали ҳам 9 нафар ходим билан ўз

ишини бошлаган. Уларнинг 5 нафари малака сертификатига эга тажрибали мутахассислардир. Улар ҳозирги кунда кўчмас мулк объектларига бўлган эгалик ҳуқуқлари доирасида битимлар тузиш, савдо ҳажмини ошириш, аҳоли учун қулайликлар яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда Шаҳрисабз туманида ўз бўлимини очиш ишлари билан машғул. Бундан ташқари, фаолиятни тўсиқларсиз амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорлари мавофиқ савдога чиқариладиган кўчмас мулклар бўйича Суд Департаментининг вилоят ҳудудий бошқармаси билан тегишли шартнома имзоланди. Белгиланган тартибда 4 та банкрот ташкилотнинг 1134236,0 минг сўмлик кўчмас мулклар аукцион савдоларга чиқарилди. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан савдоларда 7 та мулк 24200,0 минг сўмга сотилди.

Шундай қилиб, риэлторлик фаолиятининг оммалашуви, унинг келажаги сари дастлабки, муҳим қадам қўйилди. Унинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун эса ҳар бир соҳа ходимидан маҳорат, мулк эгасидан эса мазкур фаолиятда фаол иштирок этиш талаб этилади.

Илхом БҲРОНОВ,
«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг Қашқадарё вилояти филиали директори

АЛДОВ ҚУРБОНИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАНГ!

Сурхондарё вилоятида яшовчи Рустам, Сардор, Алишер ва Фанишер деган (исмлар ўзгартирилган) фуқаролар қўлларида дурадгорлик хунари бўлгани боис, одамларнинг оғирини енгил қилиб, тинчгина, буюртма бўйича эшик ва ромдар ясаб юришганди.

Одатдаги кунларнинг бирида Рустамнинг таниши Абдор унга Тошкентда дурадгорларга яхшигина ҳақ тўлайдиган ишларни қўлини айтиб, уларнинг фикрини буюди. 2009 йилнинг ёзи эди. Дурадгор оғайнлар қайдасан, Тошкент деяр йўлга чиқиди. Сўраб-сўраб, Қўйлик бозорини ҳам топишди.

Бу ерда улар Жамшид исмли йигит билан танишиб қолишди. Гапдан гап чиқиб, Жамшид уларга қўшни Қозоғистон Республикасида сардорлар иш боришини, ойлик иш ҳақи 1000-1200 АҚШ долларидан кам эмаслигини, агар хоҳласан уларни ҳам шундай ишлардан бирига жойлаштириб қўйишга қурби етишини айтиб, мактанди. Йигитлар Жамшиднинг гапларига лаққа тушиб, у билан бирга айланма йўлар орқали қўшни Қозоғистон Республикасига ўтиб олишди. Ниҳоят Жамбул вилоятига етиб боришган, Жамшид уларни Марат исмли қозқ йигитига қўшқўлаб топширди. Марат эса уларнинг паспортларини олиб, эртадан ишга тушишларини айтиб, тор хонага қамаб кетди.

Айтилган кундан иш бошланган ошанлар ой охирида Маратдан ойлик иш ҳақи беришини талаб қилишди. У эса «Сизларни Жамшиддан сотиб олганман. Бундан кейин фақат менинг айтганим бўлади», деб уларга бир мири ҳам бермади. Афсуски, чув тушганини кеч англаган йигитлар бу ердан тезроқ қочишга уринишганда аёвсиз равишда қалтакландилар. Мажбуран оғир жисмоний меҳнат қилишга мажбур эдилар. Охир-оқибат бир неча уринишлардан сўнг улар 2010 йилнинг ноябрида бу ердан ҳеч қандай ҳужжатсиз қочиб қилишди ва ўн кунлик сарсон-саргондорликдан сўнг Ўзбекистон Республикаси чегарасигача етиб олишди.

Бугунги кунда айрим фуқароларнинг ўз қонуний ҳуқуқларини яхши билмасликлари, нопок кимсаларнинг алдовларига учиб, ўзга юртларга ноқонуний чиқиб кетишлари оқибатида юқоридаги каби ҳолатлар кўпайиб учраб турибди.

Маълумотларга кўра, республикамизда 2008 йилда одам савдосидан жабр кўрганлар сони 2007 йилдагига нисбатан 3 баробарга ошган. Шу боис «Одам савдоси — замонамизнинг глобал муаммоси» сифатида талқин қилинмоқда. XX ас-

Республикаси қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши кураш таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун «Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссияси» тузилди.

Қабул қилинган қонун ва қарорлар, қўрилган чора-тадбирлар давлатимизнинг одам савдосидек муҳим ва жирканч жиноятга қарши курашиш борасида олиб бораётган сибасиянинг мантқий давомидир. Бугун одам савдосининг олдини олиш учун фуқаролардан атрофдаги ҳодисаларга нисбатан ҳушёрликни ошириш, шубҳали ҳолатларни сезган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳодимларига бундай етарли маълумотларни етказиш талаб этилади.

Одам савдоси жиноятчилигининг халқаро миқёсда тарқалишига ноқонуний миграция жараёни ҳам сабаб бўляпти. Халқаро миграция замонвий жамиятнинг ажралмас қисмига айланган бормоқда. Маълумки, иммигрантларнинг меҳнатидан фойдаланиш ривожланган давлатларнинг иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, бугунги кунда ноқонуний миграция — одамларнинг бир давлатдан бошқа давлатга қўчиб юришлари даврида халқаро қонун нормаларини ва ўша давлат ички қонунларини бузиши ҳолатлари кўпайиб учрамоқда.

Ўзбекистон Республикасида миграция масалалари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 505-сонли қарори билан тартибга солинган.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграцияси масалалари фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент, Фарғона, Нукус, Бухоро, Қарши минтақавий бюролари орқали амалга оширилади.

Юқорида зикр этилган қарорда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг асосий вазифалари этиб, мамлакатимиз фуқароларини чет элларда, хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун иш ўринлари ажратиб ва рухсатномалар

бериш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг мамлакат ичкарисидagi меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

Ўбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиш бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорлари мувофиқ рухсатномалар бериш, юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш) белгиланган бўлса, фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларга Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элда ишга жойлаштириш имконияти ва шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, хорижий иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ишчи кучини жалб қилишга ажратилган квоталарни олиш ва уларга фуқароларимизни у жойлардаги ишга жойлаштиришни ташкил этиш, чет элда ишга жўнатиш учун хорижий иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ бўлган номзодларни танлаш; чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришда, шу жумладан, виза ва чет элда ишга жойлаштириш расмийлаштириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни олишда ёрдам бериш юклатилинган.

Бундан хулоса шуки, оғоҳ бўлиб, Сизларни чет элларда иш билан таъминлаймиз деб, ишончсизга кириб ўзларининг қабиҳ ниятини амалга оширишга уринаётган нопок кимсалар ва айрим «фирмалар»нинг алдовлари қурбонига айланиб қолманг.

Қонуний меҳнат миграцияси масалалари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча саволларга Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларда ташкил этилган қонун телефонларига қўнғироқ қилиб ёки интернетда жойлаштирилган сайтлар орқали атрофлича жавоб олишингиз мумкин.

Ишон телефонлари рақами:
Тошкентда 8(371)214-34-85, 8(371) 214-54-36, 8(371)214-89-25.
Фарғона 8(373) 224-72-94,
Қашқадарё 8(375)224-11-21,
Бухоро 8(365)223-47-55,
Нукус 8(361)780-02-31
Интернет сайтлари:
www.migration.uz, www.trb.uz
Тошкент минтақавий бюроси

Кўчмас мулк бозорини риэлторлик хизмати

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида кўчмас мулк бозорини шакллантириш ва ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ бу борада кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида давлат уй-жой фондининг фуқароларга мулк сифатида ажратиб берилиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида янги тармок — кўчмас мулк бозори вужудга келди.



уни алоҳида қўйд этиш л о з м л и, кўчмас мулк бозори воситачилик хизматлари соҳаси билан кўплай баҳсли ҳолатларга сабаб бўлаётган эди. Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши билан ушбу ҳолатга чек қўйилди. Қонун ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 10 майдаги «Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан риэлторлик фаолиятини лицензиялаш Давлат органи этиб республика Давлат мулк кўмитаси белгиланди.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамиятига Давлат мулк кўми-

ратларини курсатиш.

Шу кунларда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамиятининг Навоий вилояти филиали ҳам риэлторлик фаолиятини олиб бормоқда. 2011 йилнинг июль ойида кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдоси тўғрисидаги низоми тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига асосан риэлторлик фаолиятини лицензиялаш Давлат органи этиб республика Давлат мулк кўмитаси белгиланди.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамиятига Давлат мулк кўмирати яратилмаган, бу эса кўчмас мулк объектлари доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик; кўчмас мулк объектларини ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш; кўчмас мулк объектларини бошқариш; кўчмас мулк бозорини ахборот ва мааслахат хизматларини курсатиш.

Шу кунларда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамиятининг Навоий вилояти филиали ҳам риэлторлик фаолиятини олиб бормоқда. 2011 йилнинг июль ойида кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдоси тўғрисидаги низоми тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига асосан риэлторлик фаолиятини лицензиялаш Давлат органи этиб республика Давлат мулк кўмитаси белгиланди.

С.НУРИДДИНОВ,
«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиали директори



Ҳамкасбларга кўмакдошмиз

(Бошланғич 1-бетда.)

— Истиқлол йилларида босма ОАВ тизими деярли қайтадан ташкил этилди, ижтимоий-сиёсий йўналишдаги янги нашрлар вужудга келди. Ҳозир мамлакатимизда 700 дан ортиқ газета, 250 га яқин журнал, 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда. Оммавий ахборот воситалари учун яратилган имкониятлар Интернет журналистикаси ривожига ва миллий ОАВнинг халқаро медиа майдонда интеграллашувига хизмат қилапти.

Президентимизнинг 2005 йил 16 ноябрдаги Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳам мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият юритаётган журналистларга ҳар жиҳатдан яқин кўмакдош бўлиб келяпти, десам янглишмаган бўламан. Хусусан, фонд ани пайтда ўз ниЗОМИ, йиллик ҳаракат дастурига мувофиқ мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларининг профессионал даражасини оширишга йўналтирилган лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш; ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш; босма ОАВ ва ахборот агентликларининг иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган истиқболли лойиҳалар, дастурларни қўллаб-қувватлаш; босма ОАВ ва ахборот агентликларини модернизациялаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги лойиҳаларни, шунингдек, соҳа ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва ижодий фаолигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, хусусан, чет элларда ўқув амалиётларини ташкил этишни молиялаштириш; босма ОАВда фикрлар хилма-хиллиги, ғоявий турли-туманлиқни таъминлашга кўмаклашиш; босма ОАВга консултив, ташкилий, техник, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш каби йўналишларда фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кунда бир қатор экспертлар, журналистлар, тажрибали мутахассислар билан биргаликда мамлакат ахборот муҳитидаги шароитдан келиб чиққан ҳолда, жамоат фондининг фаолият дастури

ишлаб чиқилган. Ушбу дастур грантлар ажратиш, танловлар, ўқув форумлари ва семинарлар ўтказиш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, бизнес лойиҳалар билан ишлаш, мукофот, рағбатлантириш ва ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни, ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш каби маса-



ларларни ўз ичига олади.

Утган йили Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида «Мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ёритиб бориш» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Мазкур лойиҳа доирасида ажратилган грантлар асосида республика миқёсида 60 та тахририй ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги ислохотларни ижтимоий аҳамиятга молик 40 дан ортиқ лойиҳаларда ёритиб борди. Шунингдек, умумий адади 30 миллион нусхадан ортиқ 3500 га яқин ахборот-таҳлилий материаллар тайёрланди. «Мамлакат худудий туман ва шаҳар газеталари ўртасида глобал интернет тармоғи негизда ахборот айирбошлаш тизимини яратиш» инновацион лойиҳаси доирасида эса 91 та худудий тахририй учун интернет тармоғида ишлаш имконияти яратилди.

Турли тахририйлар қошида фонд билан ҳамкорликда ташкил қилинган Журналистлик маҳорат марказлари ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. Бундай марказларда худудий босма нашрлар вақтинчалик ва журналистикага қизиқувчи ёшларга мўлжалланган ўқув-амалий дастур асосида 6 ойлик курслар

ташкил этилиб, уларда журналистика жанрлари, ахборот хавфсизлиги, медиа-бизнес асослари, замонавий технологиялар йўналишлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Утган вақт мобайнида ушбу марказларни 400 га яқин тингловчи битириб, тегишли сертификатларга эга бўлди.

Маҳаллий ва хорижий ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, биргаликда босма ОАВ фаолиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятига илғор хориж тажрибаларини татбиқ этиш бўйича ҳам катта ҳажмдаги иш олиб борилмоқда.

Жумладан, «Ўтказилаётган ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш: давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадлари» мавзусида республика миқёсидаги барча ахборот хизматлари фаолиятини янада яхшилаш мақсадида матбуот котибларининг ўқув ташкил этилди. Бу лойиҳага биноан матбуот котиблари маҳаллий ва хориждан тақлиф этилган экспертлар томонидан ўтказилган ўқувларда иштирок этдилар.

«Республика худудий босма ОАВда фаолият юритаётган ёш журналистларни марказий нашрларда малака ошириш» лойиҳаси юзлаб ёш журналистларнинг профессионал малакасини оширишда, уларнинг замонавий билим-кўникмаларини шакллантиришда қўл келмоқда. Эътиборли жиҳати, 2008 йилдан буён ташкиллаштириб келинаётган ва аънава тусини олган мазкур лойиҳада йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги маҳаллий босма ОАВда фаолият юритаётган ижодкорлар иштирок этмоқда. Режага мувофиқ бу йил 130 нафар ёш журналист замонавий тамойиллар асосида малака ошириши кўзда тутилган. Ани пайтгача улардан 78 нафари ўз тажриба ва маҳоратларини оширишди. Амалиёт давомида лойиҳа иштирокчилари тақлиқ журналистлар, экспертлар билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган қўллаб-саволларга жавоб олдилар.

Шунингдек, ёш журналистлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашиб, Президент И.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палатаси қўшма йиғилишидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» маърузасида ОАВ соҳаси бўйича белгилаб берилган қонун лойиҳаларининг муҳокамаида иштирок этдилар. Келажакда бу каби учрашувлар улар фаолият юритаётган маҳаллий тахририйлар ривожига ижобий таъсир ўтказишига, уларнинг замон билан ҳамқадрам бўлишларига ҳисса қўйишига шубҳа йўқ.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда фонд мамлакат ижтимоий ҳаётининг устувор ва долзарб мавзуларини кенг ёритиш, босма нашрларни жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни ўзида акс эттирган, танқидий-таҳлилий жиҳатдан юксак савияда тайёрланган ҳолис ва ҳаққоний матери-

аллар билан бойитиш, аҳолининг ижтимоий аҳамиятли ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, фуқароларнинг ижтимоий фаолигини ошириш юзасидан ҳам қизғин фаолият юритиб келмоқда. Жумладан, шу мақсадда қўллаб-таъминловчи мавзу доираси ва қўламнинг кенглиги билан самарали бўлмоқда. Бундай муҳим, айниқса, журналистлар учун зарур бўлган тадбирлар нафақат Тошкент шаҳрида, балки вилоятларда ҳам ўтказилаёт-



мақсадида ўтган йили замонавий кутубхона ишга туширилди. Ушбу кутубхона компьютер ва зарур техника билан жиҳозланган бўлиб, турли соҳаларга оид маълумотлар базаси, ўқув қўлланмалари ва турли соҳалар бўйича адабиётларга эга. Шунингдек, ундаги Интернет тармоғи бир пайтнинг ўзида 20 дан ортиқ кишига хизмат кўрсатиши мумкин. Журналистлар бу ерда мамлакатимизда чоп этилаётган босма ОАВ билан танишиш имкониятига ҳам эгалар. Ҳозирда кутубхонада журналистик мавзуга тааллуқли 100 дан ортиқ ўқув қўлланмаларининг электрон

нусхалари тайёрланган бўлиб, мавжуд бошқа манбаларнинг ҳам электрон каталоги ҳамда нусхаларини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ишларнинг барчаси журналистларнинг профессионал фаолият кўрсатиши учун шакллантирилган, бирок айрим оммавий ахборот воситалари фаолиятида ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликлар ҳамон учраб турибди.

Глобаллашув, ахборот жамиятини шакллантириш шароитида журналистлар, айниқса, ёш журналистларни қайта тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартиришга доир изчил ишларни янада кучайтириш, уларни ўқитиш жараёнига катта тажриба ҳамда маҳоратга эга профессионал ходимларни жалб этиш, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш зарурлигини замон талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам жаҳон ахборот соҳаси ютуқларини чуқур ўрганиш, янги асосда таълим олишни йўлга қўйиш журналистларнинг замонавий медиа-технологиялар, хорижий тиллар, интернетни билиши, тахририйлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш уларни қайта тайёрлашнинг муҳим йўналишидир.

Мухтасар қилиб айтганда, ани пайтгача қадар, жамоат фонди томонидан 40 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиб, улар учун 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Аммо бу ҳали биз қўзлаган мақсадларнинг уфқи эмас. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу йил истиқлолнинг шонли йилгирма йиллигини нишонлаймиз. Йилгирма йиллик кутлуғ доводан ҳатлаб ўтиш баробарида янги даврга қадам қўяёмиз. Янги даврга мақсадларимиз ва фаолиятимиз мезони ҳам янада замонавий кўриниш касб этиши, зиммамиздаги маъсулларни шараф билан уддалаш учун куну тун меҳнат қилишимиз зарурлигини чуқур ҳис қилмоқдамиз. Зеро, истиқлол ато этган имкониятларнинг мамлакат бўйлаб бир текисда қўлчи ёзишида ОАВнинг ўрни бетимсол аҳамиятга эга экан, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Иномжон АБДИЕВ
ёзиб олди.

Журналист ижодига бир назар

Бобом янги китоб олиб келсалар, ҳаммамизга ўқиб чиқишни, кейин ҳар биримиз ўз фикримизни айтишимиз кераклигини таъкидлайдилар. Бу сафар муқовасида лолақизгалдоқлар очилиб турган ям-яшил замин, қийғос очилиб турган ўрик тасвири туширилган китоб келтирдилар. Муаллифи Хусан Карвонли экан. 141 бетлик китобни навбати билан ўқишга киришдик. Биринчи фикрни бобомнинг ўзлари айтдилар.



Кўнгили битиклари

Сайди Умиров, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, ёзувчи, публицист: — Хусан Карвонли (Нишон)нинг мақола, суҳбатларини ўзи хизмат қилаётган «Маърифат» газетасида ўқиганмиз. Бироқ бир китоб остида жамлашиб, яхлитлик, муаммобандлик касб этибди. Республикада хизмат кўрсатган журналист, талабчан, ҳолис танқидчи Махмуд Саъдий «Кўнгили битиклари» номли сўзбошисида китобнинг фазилатлари, жумладан, муаллифининг мавзуга янгича ёндашиши, мустақил фикр юритиши, ҳаётини воқеа, далилларни ўзига хос усулда, дадил, таъсирчан ифода этиши, юморга мойиллигини таъкидлайди. Чиндан ҳам, «Мактабдан қочиб кетган келинлар», «Ароқ ичганимиз», «Стюарт Литтлнинг қўнғини қўнғини?» номли мақолалари анчиқ ҳақиқатнинг очик айтилиши билан олиб борган суҳбатлари эса табиий ва жозибали услуби билан кишини ўзига ром этади. Айрим қишлоқларда қалинга қўл пул, мол олиниши, қиз олиб қочиш, аёлларнинг тўй-тадбирларда ароқ ичишлари каби хунук

одатлар аниқ далиллар орқали қораланади. Бинобарин, публицистиканинг вазифаси ҳам ҳаётни бўямай, бежамай, оширмай, яширмай кўрсатиш, жамоатчилик фикрини шакллантиришдан иборат. Абдувоҳид Умиров, «ABU Matbuot Konsalt» хусусий нашриёти директори, таржимон: — Менга муаллифнинг таниқли тилшунослар — Аббос Ирискулов, Низомиддин Махмудов, географ олим Суюн Қораевлар билан суҳбатлари ёқди. Суҳбатдошларнинг тил ўрганишга меҳр уйғотган устозлари, илк ўқиган китоблари, таржима ҳақидаги фикрлари ҳар бир ижодкорнинг бошидан кечган. Хусан Нишонов бир қолигидан, жўн саволлардан қочиб, қўтилмаган, мароқли саволлар бериб, суҳбатдошнинг ичидан янги маълумотлар, ўткир фикрлар «суғуриб олиш» ҳадисини олибди. Дибра Сайдиева, 4-синф ўқувчиси: — «Стюарт Литтл» киноларини, мультфильминики қизиқиб кураман. Бувим билан оийм: «Ҳадеб сичқон ҳақида-

Ҳисобот

«ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ЯКУНИЙ БОСҚИЧДА


Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Энг улуг, энг азиз» республика танлови аввалги йилларда бешта йўналиш — бадиий адабиёт, босма оммавий ахборот воситалари, телерадио журналистикаси, тасвирий санъат ва кино санъати соҳаларида ўтказиб келинган эди. Жорий йилда танлов қамрови янада кенгайди: Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бўлган соҳалардаги каби журналистика йўналишида «Энг улуг, энг азиз» танлови алоҳида ўтказилди.

Бу йил танловда мамлакатимизнинг барча худудларидан 300 га яқин журналист узининг 3600 дан зиёд ижодий иши билан қатнашди. — дейди Ўзбекистон Журналистларининг ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — Бу ҳам танловнинг нуфузи йилдан йилга ошиб бораётгани, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият юритаётган журналистлар ҳар жиҳатдан рағбатлантириб борилаётганининг далолати дур. Кунги кеча танлов ҳайъатининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди. Унда таниқли журналистлардан таркиб топган нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан матбуот, телевидение, радио ҳамда интернет-журналистикаси, фото ва дизайн ишлари йўналишлари бўйича 1-, 2-, 3-ўринларни, рағбатлантирувчи мукофотларни олган иқтидорли журналистлар тасдиқлаб олинди. 19 август кунини Ўзбекистон Миллий матбуот марказининг катта залида танловнинг якуний қарорини эълон қилиш ҳамда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. **Ўз мухбиримиз**

✓ Турли касб эгалари

Ультрамехр соҳиб

Сўнги йилларда тиббиётда замонавий технологиялар асосида беморларни тез ва оғриқсиз текшириш усуллари низоҳатда кўнаиб бормоқда. Хусусан, умумий амалиёт шифокорлари фаолиятида ультратовуш диагностикаси беморларга эрта ва аниқ ташхис қўйиш, малякали тиббий ёрдам кўрсатишда қўлайлик ва енгилликлар тугдирмоқда. Айни пайтда республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич ва изчил суръатда ўтказилаётган ислохотлар натижасида тиббиёт муассасаларида ультратовуш диагностикаси усули қўлланмаган бирор соҳа қолмади. Мамлакатимиз тиббиётидаги бундай ютуқлар жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари томонидан эътироф этилаётгани қувонарлидир.



Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ультратовуш диагностикаси кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори Ақром Фозилов фаолияти ультратовуш диагностикаси усули қўллана бошлаган давр билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, уни ҳамкасблари соҳанинг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим сифатида қадрланади.

Тадқиқотчининг махсус технологиялардан фойдаланиш бўйича яратган усуллари, чунончи, эхоzonдлар, когерент ва акустик голография усуллари, ультратовуш диагностикаси мутахассисининг автоматлашган иш жойи ва бошқалар жаҳон тиббиёт диагностикаси талабларига тўла жавоб бериш билан бир қаторда мамлакатимизда шу соҳанинг ривожланишини таъминлади.

Олим раҳбарлигида ўтказилган илмий, социологик тадқиқотларга кўра, ультратовуш диагностикаси усулининг натижаларига ўзбекистонлик терапевтларнинг 97, педиатрларнинг 94, акушер-гинекологларнинг 92, хирургларнинг 90 фоизи тўлиқ ишонанда ва амалиётда унинг натижаларига таянади.

Изланувчан олим раҳбарлик қилаётган кафедра жамоаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги кўплаб тиббиёт муассасалари, шунингдек, Австриянинг Грац шаҳридаги университет, АКШ, Германия, Австралия, Жанубий Корея, Италия ва бошқа давлатлардаги йирик марказлар билан илмий-тиббий ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Ақром Фозилов одамнинг ультратовуш анатомияси, касалликларнинг эхографик белгилари, беморларни муфассал равишда текширишда ультратовуш диагностикасининг ўрни ва аҳамияти ҳақида врачлар учун ўнлаб амалий кўланмалар, дарслик ва йўриқномалар яратди, улар шифокорларнинг қўндалик ҳамкорига айланган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида ультратовуш ёрдамида назорат олиб бориш, яъни доимий ультратовуш скрининги ва мониторинги концепцияси яратилди.

Тиббиётимиздаги бундай ривожланишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаятган Ақром Фозиловнинг бевосита раҳбарлиги ва маслаҳати билан ўнга яқин докторлик, қирқдан зиёд номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқланди, врачларнинг дипломи олгандан кейинги малака ошириш жараёнида уч минг нафарга яқин ультратовуш диагностикаси врачлари тайёрланди. Улар айни пайтда ўз билим ва иқтидорларини нафақат мамлакатимиз, балки ер курагининг турли минтақаларида намоян этиб, Ўзбекистон ультратовуш мактабида олган сабоқларини фахр-ифтихор билан оқламоқдалар. Бунга, албатта, олим томонидан ёзилган 15 та монография ва дарслик, 30 та илмий-услубий кўланма, ўнлаб илмий мақола ва йўриқномаларнинг аксарияти жаҳондаги кўплаб илмий-тиббий журналларда эълон қилиниши Ўзбекистонда чуқур илдиз отиб, дунё тиббиёт муассасаларида дадил қўлланаётгани ультратовуш диагностикаси истиқболи порлоқлигидан дарак беради.

Ақром Фозиловнинг иштирокида учун 10 та патент ва муаллифлик гувоҳномалари, шунингдек, яратган ноёб ультратовуш ускунасига Европа сертификати берилган. Иқтидорли олимнинг мамлакатимиз тиббиёти равангага қўшаётган ҳиссаси самараси ўлароқ, Америка ультратовуш тарихи институти ва Жаҳон акустиклари ташкилоти томонидан "Ультратовуш диагностикаси пионери" фахрий унвонига сазовор бўлди. 1995 йили Россия Федерацияси тиббий-техник фанлар академияси академиги этиб сайланди. Буюк Британиянинг Кембридж университетда "2000-2001 йилларнинг энг фаол Инсони" сифатида тан олинди, катта қумуш эсдалик нишони билан тақдирланди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг муборак 20 йиллиги арафасида тиббиётимизнинг заҳматкаш вакили Ақром Фозилов ташаббуси ва фаол иштирокида ультратовуш диагностикаси соҳасининг ташкил этилганига ярим аср бўлмоқда. Унинг эришган ютуқлари замирида тиббиёт ривожига муносиб ҳисса қўйиш, пировардида, эл-юрт манфаати йўлида амалга оширилаётган саяёҳатларнинг хайрли низоҳаси ётади.

Искандар РАХМОН,
журналист,
Хусниддин НАСРИДДИНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди

Жамиятининг ривожига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги фаоллашувида кўрилади. Бу назария мустақилликнинг илк йилларидаёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳуқуқий жиҳатдан асосини топди. Бош Қомусимизнинг 105-моддасида "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари" экани белгилаб қўйилди. Шу мақсадда 1993 йилдаёқ Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Уша йилнинг ўзида қатор вазифаларни зиммасига олган "Маҳалла" хайрия жамғармасига асос солинди.

Арча ислохотларнинг бошида турган Президентимизнинг "Биз ислохотларни чуқурлаштириш, демократик туб ислохотлар йўлидан олға силжиш, ҳаётимизда асл демократик қадриятлар қарор топаётгани тўғрисида гапирганда, аввало, фуқаролик жамияти асосларига ўтиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муассасаларини бутун чоралар билан кенгайтиришни назарда тутамиз. Бу барча ислохотларимизнинг асосий моҳияти ва бош мантиғидир. Иқтисодий ислохотлар даври қанчалик муваффақиятли, самарали кечса, биз шунчалик яхши яшай бошлаймиз, ижтимоий ҳаётни шунчалик эркинлаштириш зарурияти ва имконияти тугилади. Бу, ўз навбатида, жамиятни бошқариш вазифаларининг аксарияти давлатдан фуқаролик ва ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўтишини аниқлаётди. Албатта, бу жараён ўз ҳолига эмас, балки ички қонунлар асосида, изчил ва босқичма-босқич ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам Олий Мажлис, депутатлар жамоаси олдидан мазкур жараённи тартибга солидиган қонунлар қабул қилишда ўта масъулиятли вазифа қўндалган бўлмоқда" деган фикрлари "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга янги тахрирда яратилишига асос солди. 1999 йил 14 апрель куни янги тахрирда қабул қилинган қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш мақомини бекам қўст белгилаб берди. Шу

Қадриятлар ўчоғи

қонун асосида ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молиқ масалаларни ҳал қилиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг мустақил фаолияти бошланди. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган нутқида маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўлимани кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш долзарб аҳамият касб этишини таъкидлар экан, бу ишни ҳаётга жорий этишнинг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга тегшли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган ижтимоий кўлаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш

марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини уқтириб ўтди. Ҳар бир фуқаронинг ёши ва жинсига қараб табиий имкониятларини тўлиқ намоян этишига ва ундан тўла фойдалана олишга шароит яратиш бера оладиган жамият фуқаролик жамияти деб аталади. Бошқача айтганда, фуқаролик жамиятида ҳар бир инсон ўзининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳамда маданий соҳалардаги қобилияти ва имкониятларидан тўла фойдаланиши керак. Иқтисодий имкониятлар натижасида фуқаро ўз оиласининг фаровон турмуш даражасини таъминласа, сиёсий қобилиятидан фойдаланиб давлат бошқаруви жабҳаларида фаол қатнашади. Айнан ана шуларни назарда тутадиган бўлсак, маҳаллани оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш низоҳатда муҳим аҳамият касб этади.

Бугун маҳаллаларда мамлакатимизда тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удуҳамда анъаналарини омдалаштириш, аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, шунингдек, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ободонлаштириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт иллатлардан, "оммавий маданият" таъсиридан асраш маҳаллада истиқомат қиладиган ҳар бири кишининг виждон ишига айланган. Маҳалла — муқаддас даргоҳ. Унда Ўзбекистондек салохиятли давлатнинг бутун борлиги мўжассам. Биз ана шу даргоҳни эъзозлаб, унинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонунларга ҳурмат билан қарашимиз даркор. **Эркин Хўжакулов,** Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Ободлик кўнгиладан бошланади



Надя Шавелнинг Шайхонтоҳурнинг «Илғор» маҳалласига кўчиб келгани анча бўлган. Бошида Матлуботчилар кўчаси аҳли уни қандай қабул қилиши, Надя опани ўйлантирган, қўшилари билан чиқишиб кетишига ишонқирамаганди. Аммо... янги уйга кўчиб кирмасидан, юқларини машинадан тушириши билан кўни-қўшилари билан ёрдамга келгани, қадрдонини кутиб олаётгандек меҳр кўрсатишганидан у жуда таъсирланиб кетди. Шу-шу мақоламиз қаҳрамони маҳаллага қўшилиб-қоришиб кетди. Олис ва совуқ ўлкаларда қолган қавмлари соғинчини бу ернинг серқўйш табиати, оққўнғил одамларининг меҳрли тафти тўлдирди.

панинг ёлғиз ўғли Алексей маҳалла болалари билан ўйнаб, ака-укадек бўлиб ўсгани боис, унинг қалбида ўзбекона лутф, бағрикенглик, меҳр-оқибат тўғулари шаклланди. Ҳамсоиялари Алексей тенги ўғилларини ўйлантира бошлагач, Надя опа ҳам худди ўзбек оналари сингари юртга тўй бериб, келин олиш тадориғига тушди. Бизнинг тўйларимизга хос ош тортилган, ўз миллатининг расм-русумларига ўрин берди. Икки хил маданият, икки хил урф-одатни уйғунлаштирган тўй жуда файли ўтди. Надя опа маҳалласи ҳақида доим гурурланиб гапирди: «Уғил болани отасиз тарбиялаш низоҳатда оғир, дейишганда, очиги, чўчигандим. Аммо кўни-қўшилари менга ўғлимнинг одобли, меҳнатсевар бўлиб улғайишида катта ёрдам кўрсатишди. Уғлим улардан ҳар томонлама ибрат олиб воёга етди. Ўзбекларда "Кўнгиладан сув ичар", деган мақол бор. Кўнгиладан яқинлаштирган, барчани оғани, қавму қариндошга айлантирган маҳалламдан, унинг самимий ва бағрикенг инсонларидан умрбод миннатдорман». Ҳа, Надя Шавелнинг миннатдор бўлганича бор. Чун-

ки «Илғор» маҳалласидаги энг йирик Матлуботчилар кўчаси тармоқланган бир неча кичик кўчалардан ташкил топган. У ердаги 144 хонадонда 766 нафар аҳоли ахил-иноқликда, ҳамжихатликда умргузаронлик қилмоқда. Одамларида кенг феъллик, хайр-саховат, меҳр-оқибат каби фазилатлар мўжассам. Бу кўча бўйлаб юрган кишининг анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахтларнинг салқини, мусаффо ҳавосидан кулфидили очилиши тайин. Худуднинг ободлигида бир неча йиллардан бери кўча-болани келаятган Адҳамжон Асқаровнинг ҳовли-қувадани очиштириш тайин. Худуднинг ободлигида бир неча йиллардан бери кўча-болани келаятган Адҳамжон Асқаровнинг ҳовли-қувадани очиштириш тайин. Худуднинг ободлигида бир неча йиллардан бери кўча-болани келаятган Адҳамжон Асқаровнинг ҳовли-қувадани очиштириш тайин.

ҳамжон Иноятовнинг хизмати катта экан. Биз у кишининг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида астунинг ҳузурига йўл олдик. Сал олдин ёғиб ўтган ёмғир кўча бўйларида саф торган дов-дарахтларга янада муссаффолик бахш этган, фарқ турфа гулларнинг ҳовли саҳнию зиналар оша жойлаштирилган ўзига хос мафтунволари тўкилган ўрикларни териб, идишларга жойлаб, сараларини таллаб, кўни-қўшилари тарқатишарди. Ҳамроҳимиз Адҳамжон ака ҳар бир хонадон аҳли ҳақида маълумот бераркан, уларнинг хайрли хусусида фахрланиб гапирарди. Кўчабоши бизни наботот оламига ўзгача меҳр қўйган Адҳамжон Асқаров хонадонига бошларкан, кўчанин кафтез текислиги эътиборимизни тортиди. — Утган йили маҳалланинг бошқа кўчалари қатори Матлуботчилар кўчаси ҳам қайта асфальтланди, — деди Адҳамжон ака фикримизни илғагандек. — Гарчи барча сарф-харажатлар мутасадди ташкилотлар ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан қопланган бўлса-да, кўча бўйлаб юрган кишининг анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахтларнинг салқини, мусаффо ҳавосидан кулфидили очиштириш тайин. Худуднинг ободлигида бир неча йиллардан бери кўча-болани келаятган Адҳамжон Асқаровнинг ҳовли-қувадани очиштириш тайин. Худуднинг ободлигида бир неча йиллардан бери кўча-болани келаятган Адҳамжон Асқаровнинг ҳовли-қувадани очиштириш тайин.

гача борлигини кўриб, хайратландик. Мўъжазгина ҳовлида бирон қарич бўш ер йўқ. Бир-биридан гўзал астунинг ҳузурига йўл олдик. Сал олдин ёғиб ўтган ёмғир кўча бўйларида саф торган дов-дарахтларга янада муссаффолик бахш этган, фарқ турфа гулларнинг ҳовли саҳнию зиналар оша жойлаштирилган ўзига хос мафтунволари тўкилган ўрикларни териб, идишларга жойлаб, сараларини таллаб, кўни-қўшилари тарқатишарди. Ҳамроҳимиз Адҳамжон ака ҳар бир хонадон аҳли ҳақида маълумот бераркан, уларнинг хайрли хусусида фахрланиб гапирарди. Кўчабоши бизни наботот оламига ўзгача меҳр қўйган Адҳамжон Асқаров хонадонига бошларкан, кўчанин кафтез текислиги эътиборимизни тортиди. — Утган йили маҳалланинг бошқа кўчалари қатори Матлуботчилар кўчаси ҳам қайта асфальтланди, — деди Адҳамжон ака фикримизни илғагандек. — Гарчи барча сарф-харажатлар мутасадди ташкилотлар ва маҳалла фуқаролар йиғини томонидан қопланган бўлса-да, кўча бўйлаб юрган кишининг анвойи гуллар, мевали ва манзарали дарахтларнинг салқини, мусаффо ҳавосидан кулфидили очиштириш тайин. Худуднинг ободлигида бир неча йиллардан бери кўча-болани келаятган Адҳамжон Асқаровнинг ҳовли-қувадани очиштириш тайин. Худуднинг ободлигида бир неча йиллардан бери кўча-болани келаятган Адҳамжон Асқаровнинг ҳовли-қувадани очиштириш тайин.

МАЪНАВИЯТ

☉ Мутолаа

Шарқ дунёси олим таҳлилида



Мустақиллик йилларида илм-фаннинг барча соҳалари қаторида ўзбек шарқшунослиги ҳам ривожланди. Чунинчи, сўнгги йилларда манбашунос-шарқшунос олимларимизнинг фидойи меҳнатлари тўғрисида кўпгина тарихий қўлёзмалар юрtdошларимизнинг маънавий мулкига айланди.

Бугунги кунда ҳам шарқшунос олимларимиз турли йўналишларда илмий-ижодий изланишлар олиб бормоқдалар. Пировардида, шарқ тарихига оид илмий тадқиқотлар, илмий-оммабоп асарлар ва ҳозирги таълим тизимига уйғунлашган дарсликлар яратилаяпти. Шу маънода таниқли шарқшунос олим, филология фанлари доктори Нажмиддин Низомиддиновнинг яқинда нашрдан чиққан «Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё халқлари тарихи, диний эътиқоди, маданияти» номли китоби эътиборлидир. Учта йирик бобдан иборат ушбу китоб олий таълим муассасалари учун дарслик-хрестоматия бўлиб, ҳозир бу қўлланмага алоҳида эҳтиёж бор. Чунки республика-миз мактабларида, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида Шарқ халқлари тарихи умуминсоният тарихининг ажралмас таркибий қисми сифатида кенг ва чуқур ўқитилишига эътибор қаратилмоқда. Олимнинг ушбу китоби, аввало, шу жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган илмий-ижодий иш ҳисобланади.

Мазкур китоб ўн йиллар мобайнида олиб борилган катта меҳнат самарасидир. Унинг муаллифи Шарқ халқлари тарихи бўйича 1994 йилда номзодлик, 2001 йилда эса докторлик илмий ишларини ҳимоя қилди. Шу мавзуда «Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимоти ва ислом», «XV-XIX асрларда Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти», «Бобурийлар даври Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти», «Ҳинд мумтоз мусикаси» каби қизиқарли китобларни чоп эттирди. Шу билан бирга, у Осиёдаги қатор мамлакатлар тарихи, маданияти, диний эътиқодлари бўйича кўп йиллар давомида бой маълумотларни тўплаб борди.

Нажмиддин Низомиддинов ҳинд, урду, инглиз тилларини мукамал билади. Ана шундай билим ва йиллар давомида тўпланган малака тўғрисида у кейинги китобининг мавзусига оид Шарқ ҳамда Ғарб қўлёзма фондларида тўпланган бирламчи манбалар, шунингдек, замонавий хорижий адабиётлар билан бевоқиф танишди. Бу саъй-ҳаракатлар унинг китобида катта мазмун бағишлади. Қолаверса, олим ўз китобини тайёрлашда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланди. Китоб матнларини Осиё минтақаларининг тарихий ва ҳозирги манзарасини акс эттирувчи географик хариталар, кўпдан-кўп фотосуратлар билан бойитди. Бундан ташқари, матнларга илова тарзида тайёрланган диний-фалсафий атамаларнинг изоҳли лугати асарнинг маърифий қимматини оширади.

Дарслик-китоб республикамиз илмий жамоатчилигининг эътиборига тушганини қайд этиб ўтиш жоиз. Хусусан, таниқли шарқшунос олим Нейматалла Иброҳимов ўз тақризида халқаро ҳамжамиятда тўбора мустақам ўрин эгаллаб бораётган Ўзбекистоннинг Шарқ давлатлари ва халқлари билан ҳамкорлик алоқалари йил сайин фаоллашаётган бир шароитда минтақамизга оид бундай китоблар алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайди. Таниқли адабиётшунос Азиз Қаюмов эса ҳозирги шарқшунослигимиз ушбу рисола баҳона улуг аллоҳларнинг аъёнлари муносиб давом этаётганидан мамнунлигини изҳор этади.

Жаҳондаги кўплаб олимлар тасавурида шарқшунослик, аслида, европаликларнинг Шарқ оламига қизиқиши боис вужудга келган, деган тушунча шаклланган. Бериунининг «Ҳиндистон», Бобурийнинг «Бобурнома», мавлоно Али Қушчининг «Тарихи хоқони Чин» («Хитой хоқонлари тарихи») асарлари эса бизнинг миллий шарқшунослигимиз ҳам шарафли тарихий илмларга эга эканини кўрсатади. Истиқлол даврида ана шу буюк аънава қайтадан уйғониб, ривож топмоқда. Нажмиддин Низомиддиновнинг Осиё мамлакатлари тарихи, диний эътиқоди, маданияти ҳақидаги дарслик китоби бунинг айна тасдиқи сифатида қадрлидир.

Михли САФАРОВ

☉ Моҳи Рамазон



Меҳр-мурувват, илм-маърифат ва бағрикенглик оғи

Бизларни муборак Рамазон ойига етказган-лиги учун Меҳрибон ва Раҳими Аллоҳга ҳамду санолар айтасан киши. Чунки, ўтган Рамазон ойдан кейин қанча сўзлар оқиб ўтди. Ер юзидаги ўнлаб мамлакатларда рўй берган табиий офатлар, фалокатлар, нотинчликлар тўғрисида қанчадан-қанча инсонлар ҳаётдан қўз юмди. Яна Аллоҳга шукрлар бўлсинки, биз яшаётган шу азиз Ватанимиз тинч, осойишта, фаровон. Меҳнатсевар, меҳмондўст, бағрикенг, бунёдкор халқимиз ҳар жабҳада янги-янги зафарлар сари интилмоқда. Тинч-осуда ўтаётган кунимизга, тугал берилаётган ризқимизга, ҳар тонда дуога қўл очиб, ҳаққимизга хайриётлар сўраётган ота-оналаримизга боғи тақрор ва тақрор шукроналар айтмак.

Халқимиз энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйини меҳнатда, ижодда, турмуш фаровонликларида янги зафарлар билан кутиб олаётган кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги Қарори матбуотда чоп этилди. Халқимиз, юртимиз фаёзи бўлган нуруний ота-оналаримиз бу Қарорни қалблари нурга тўлиб, ёришиб кутиб олдилар. Яқин ўтмишда рўза тутиш машаққат эди. Шуларни ўйлаб мазкур Қарорнинг

қадрини нақадар баландлигини англайсан, киши. Унда Рамазон ойининг моҳиятида инсонийлик, яхшилик, маънавий поклик фазилатлари мужассамлиги, уларни эъозлашимиз, юртимизда дину дённат бобида буюк алломаларимиз яратган бой илмий меросни чуқур ўрганиш, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги алоҳида эътиборга олинган. Бу сатрларнинг замирида халқимиз, энг аввало, маҳалла ахли, зиёлилар, ота-оналар — барча-барчамизнинг зимма-зимма жуда катта вазифалар мужассамлиги ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари амалга оширилган маънавий-маърифий ишлар қўламага назар ташларканмиз, беихтиёр кувонч, ифтихор чўлғайди қалбларини. Булар имом Бухорийнинг «Ал-жомий ас-саҳиҳ», Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» ҳадислар тўплами таржимаси, имом Аъзам абу Ҳанифанин «Муснад» асари, Абу Ҳомид Ғазолийнинг «Муқошафат ул-қулуб» китоби ва бошқа ўнлаб қадрли баланд асарлар мисолида намён бўлади. Илм-маърифатни юксалтириш билан бир қаторда, имом Бухорий, имом Термизий, имом Мотуридид, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуқолиқ Фихривоний каби азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳлари Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамоллигида обод қилинди. Бундай зиёратгоҳларни, айниқса, Рамазон ойида ораста сақлаш, таъмиртаб жойларини ободонлаштириш ва бу юмушларни маҳаллаларда, гузарларда, қишлоғу овулларда амалга ошириш савоби юксак. Негаки, Рамазон ойи азалдан халқимиз орасида хайрли ишлар, ободончиликлар, меҳр-мурувватлар энг кўп қилинадиган ой.

Саховатли ва мурувватли Моҳи Рамазон барчамизга муборак бўлсин!

Шодиёр МУТАХХАРХОН
ўғли,
журналист

☉ Тариф

ҚУВОНЧ БОБО

Болақай тандир тафтада қизариб пишган, қуёшдеккина қулча нондан қўлчалари қуйиб, уни шошапиша ўртоқларига улашади, қулчанинг номи «офтобнон»га айланади. Кейин болалар қичқириб-қийқириб жўр бўлишиб, ўзлари тўқиган шеърни айтадилар:

Кап-капа канжила,
Дарвоза занжира,
Дарвозани очинглар,
Чўлга қараб қочинглар.
Чўлни йўли ингичка,
Энди кирдим ўн учга!

Энг қизиқи шундаки, бундай ҳаммабоп, оммабоп, мағизи тўқ шеърларни болалар шоирлари эмас, болаларнинг ўзлари тўқшади, кейин тилдан-тилга қўчиб юради офтобнондай. Ана шундай дамларда мен дунёда болалардан улўроқ шоир йўқлигини илқис илаб қоламан ва уларга ҳавас қиламан.

Турсунбой ака ана шундай уруғи соғлом, мағизи тўқ шеърларни парваришлаб «офтобнон»дай болаларга улашиб келётган беғубор ижодкор — Қувонч бободир. Мен ҳамма вақт болалик остонасидан ҳатлаб ўтган одамлар билан мулоқотда бўлганимда уларнинг чехрасидан, юриш-туришидан болаликнинг изларини қидираман. Соддалик, самимийлик, беғуборлик, ишонувчанлик, некинлик, қўзларда қақнаб турган нури излайман. Агар улардан бирортасини тополмасам, бу бўшлиқни тўлдириб учун Турсунбой аканинг ҳузурига чопаман. Чунки устанинг истарасида, юриш-туришида, мулоқотида, бу хислатларнинг ҳаммаси мужассам. Одамнинг кўнгли ўсади.



Турсунбой Адашбоев — Тудор Арғези, Ян Бжехва, Асен Босев, Ояр Ваҷиятис, Борис Заходер, Корней Чуковский, Самуил Маршак, Витезслав Незвал, Юлиан Тувим сингари дунё таниган шоирлар даражасидаги катта ижодкор. У болалар шеърлятида энгил юмор билан тўйинтирилган, самимият сингдрилган ўзига хос ўйноқчиликни кашф қилди, шунинг натижаси ўлароқ бу кашфиёт бугун унинг шоғирдлари — болалар шоирлари ижодида намён бўлмоқда. Уста болалар шеърляти шунчаки шеър тўқийдиган иборат эмаслигини ўз ижоди билан исботлади, зеро, болаларни алдаб бўлмайди. Алданган бола ўша шоирнинг асарини ўқимай қўяди.

Болалар учун ёзадиган ижодкорлар зиммасида, назаримда бошқаларга нисбатан икки қарра масъулият кучли, чунки уларнинг қаламидан қорозга тўқилган сатрларни болалар ҳам, катталар ҳам бирдай ўқийди. Устознинг ана бир олижаноблиги — болалар учун қалам тебратадиган ёш шоирларнинг ижодини доим кузатиб боришида, уларни излаб топиб, пуфлаб-тараб имкони борича ижодга йўллашга ҳаракат қилишида намён бўлади.

Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Турсунбой аканинг менга «Очик хати эълон қилинди. Шундан кейин устанинг ўзлари аллакимлардан телефон рақамини топиб, менга қўнғирок қилдилар.

— Нуруллобой, матбуотда бутунлай қўринмай қолдингиз, газетачиликка берилиб кетдингиз чоғи, — дедилар.

Яна бир гал эрта тонгда қўнғирок қилиб: — Нуруллобой, мактаб ёшидаги болалар дарслигига бир беўшнов шеър киритилаётган экан, шуни тўхтаб қолдим. Урнига Улуғбек бобомиз ҳақида болаларбоп тўрт мисра шеър ёзиб бера оласизми? — дедилар.

Устознинг бундай ишончи менга қанот бағишлади. Орадан бирор соат ўтиб:

«Юлдузларга қўз тиккан,
Мангуликка юз тутган,
Осмон илмини битган,
Султон бобом Улуғбек»

деб бошланадиган 20 сатрдан иборат салмоқлиги шеърни телефонда айтиб турдим, Турсунбой ака эринмай ёзиб олдилар.

2006-2008 йилларда устанинг ўзлари бош бўлиб «Шарқ» нашриётидан болалар учун мўлжалланган «Тонгга пешвоз чиқайлик», «Қўрқмас улоқча» номли шеър тўпламларини чоп эттирдилар, болалар шеърляти антологиясига киритдилар. Бундай ҳимматдан устознинг ўнлаб шоғирдлари баҳраманд бўлган.

Турсунбой ака ургутлик истеъдодли болалар шоири Худойберди Комилонинг шеърларини кўнгини даврий нашрларда чоп эттирди, китобини нашрга тайёрлаб берди.

Турсунбой аканинг номи иштирок қилган даврада улоқ бегона бўлмайди. Унинг даврасида қувонч, самимийлик, беғуборлик барқ уради, кўнгилар чароғон, манзиллар нурафшон бўлади. Уста ана шундай хислатларга эга. У болаларнинг ҳақиқий Қувонч бобосидир.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ОАКБ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

ОАКБ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий шаҳридаги, Навоий вилояти ҳудудий филиали биносини капитал таъмирлаш.

Бошланғич нархи — 667 969 266 сўм
ҚҚСсиз ва 801 563 120 сўм ҚҚС билан.

Муддати — 15.11.2011 йил.

Буюртмачи: ОАКБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Навоий вилояти ҳудудий филиали.

Манзили: Навоий ш., Меъморлар кўчаси, 7-уй.

Таъмирлаш ишлари: ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Таблабор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни куриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захиралаги курилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл курилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз

пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Навоий ш., Ўзсалия кўчаси, 2а-уй.
Тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (офертлар) савдо ташкилотчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Навоий ш., Ўзсалия кўчаси, 2а-уй.
Тел.: 225-49-96.

Таклифлар (офертлар)ни тақдим этишнинг охириги муддати очил қуни ва вақтигача.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин ўтказилади.

Тухфа

Масвир олами
Жиллолари

Хозирги кунда миллий маънавий ятмиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги йиллари самараан ижод қилди, янги-янги ютуқларни қўлга кирятаётгани, бу соҳага кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани унинг равнақи ва истиқболдан далолат беради.

Ислом КАРИМОВ
"Юксак маънавият — энгилмас куч" китобидан




«Оналик бахти». Акмал ИКРОМЖОНОВ

Таётган йигирма йил оралигида ўзбек миллий тасвирий санъатида қандай ўзгаришлар бўлди ва бу жараён қандай кечди? Аввало, шунинг эътирофи этиш керакки, ҳар бир рассом ўзи истаган услубда ижод қилиш эркинлигига эга бўлди. Тасвирий санъатта маъно, мазмун ва мавзу эркинлиги кириб келди. Ваҳоланки, собиқ иттифоқ даврида тасвир объектнинг ўзига қараб ишладан салгина чекинган асар хайъатнинг назоратидан ўтиб, кўрғазма залига қўйилиши амримаҳол эди. Ёки ҳатто болакайнинг қўлидаги кўзминчоқни ҳам тасвирлаш мумкин эмасди. Бундай ҳол тасвирий санъатнинг ёш авлодига бегона.

Эндилқда муқаддас қадамжоларимиз, масжидлар, сўфийлар, дарвешлар, дуога қўл очиб турган нуруний отахону онахонлар тасвирланган асарлар кўрғазма залларида эркин фикр, ҳаёт инъикоси сифатида намоиш этилмоқда. Рассомнинг ҳаёлий дунёси қанчалик кенг, фантазия парвози баланд бўлса, шунчалик қўтилмаган мазмун ҳамда шаклдаги асарлар кўрғазма залларини бойитиб, ўзлигимиз намунаси бўлиб турибди. Бундай асарлар рангли тушлар серияси; кўнот, узок ўтмиш, олис келажак мавзусидаги эркин асарлар бўлиб, инсон — ижодкор қалбининг маънавий теранлигини акс эттиради. Мустақиллик натижасида эришилган мавзу ва услуб эркинлиги фақат фантазияга таяниб ижод қилишга олиб келди, десак, тўғри бўлмайди. Айниқса, реалистик услубни ўз асарларига асос қилиб олган кўпгина рассомларимиз буюк аждодларимиз, бобокалонларимиз ҳамда юртимиз равнақи учун фидокорона меҳнат қилаётган бугунги кун қахрамонлари образларини яратмоқдалар.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш тўғрисидаги 1997 йил 23 январда эълон қилинган фармони миллий рассомчилигимиз тарихида мисли кўрилмаган ижоднинг гуллаб-яшнаши ва равнақ топиши даврини бошлаб берди.

Маъжур фармон мамлакатимиз мусаввирлари томонидан катта хурсанд-



«Тегирмон». Савдор АЛЛАБЕРГЕНОВ

чилиқ ва кўтаринки қайфият билан кўтиб олинди. Ижодкорлар Ватан ва истиқлол йулида астойдил хизмат қилишга бел боғлаб санъат майдонига кирдилар.


Илгари пойтахтимизда фақат Марказий кўрғазма зали фаолият кўрсатар, вилоятлардаги кўрғазма зала-

рининг аҳоли ночор, рассомларнинг ўз асарларини намоиш қилишлари учун етарли шароит йўқ эди.

Бу тарихий ҳужжатда эса санъат ва хунар аҳлини моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш билан бирга, улар ўз ижодий асарларини муҳлисларга муносиб тақдим этишлари учун қўлайликлар яратиш ҳам кўзда тутилди.

Қисқа муддатда пойтахт Тошкентнинг ўзида замон талаблари даражасида жиҳозланган Тасвирий санъат галереяси, Болалар ижодиёти маркази, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўрғазмаси, Миллий либослар кўрғазмаси каби муҳташам санъат қошоналари қуриб битказилдики, улар бугунги кунда гўзал меъморий санъат асарлари сифатида ҳам шахримиз хуснига хусн қўшиб турибди.

Бундай салобатли ва муҳташам санъат маканлари республикамизнинг барча вилоят марказларида қурилди. Улар айна кунларда мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги муносабати билан сара асарлар кўрғазмаларини халқимизга намоиш этиб, аҳолининг эстетик дидларини ўстиришга хизмат қилиб келмоқда.



«Чанковуза». Дилшод АЗИЗОВ

Бундай имкониятлар, шубҳасиз, рассомларимизга мамлакатимиз санъати обрўсини юксалтириб, халқро кўрғазмаларда муносиб қатнашишларига сабаб бўляпти. Имом Бухорий, Аҳмад Ясавий, Баҳовуддин Нақшбанд сингари улуг аждодларимизнинг эзгу гоёлар билан сўғорилган таълимотларини тарғиб этиш йўлида ота-бола Файзулла ва Фаррух Аҳмадалиевлар, Жамол Усмонов, Қушонлар даври маданиятининг бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган инсонпарвар гоёларини рангтавсирда ифодаляётган ота-бола Лекин ва Ғайрат Иброҳимовлар билан бир қаторда юртимизда яшаб ижод қилган рассом Николай Шиннинг ўғил-қизлари каби кўплаб турли миллат вакиллари ҳам Ватанимиз тасвирий санъати ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бир-икки йил муқаддам Чехияда ўтказилган «Атиргул» номли халқаро танловда шахрисабзлик бир гуруҳ ўқувчилар иштирок этдилар. Хайъат аъзолари ёш рассомларимизнинг барчасини голиб деб топди. Саққиз номинациядаги барча совринлар уларга теғди.

Журналистларнинг нега саққизта голиблиқ ўрни бир мамлакатдан келган болаларга берилди, деган саволларига хайъат аъзолари болалар олган тўғри профессионал таълим, яъни маҳорат

ҳамда улардаги болаларча тоза самимийлик бизнинг талабларимиздан устун келди, деб жавоб бердилар.

Тасвирий санъатнинг барча йўналишларида юз берган улкан ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, маҳобатли тасвирий санъат соҳасидаги ютуқлар хусусида ҳам икки оғиз сўз айтиш ўринлидир.

Маълумки, маҳобатли тасвирий санъат деганда, аввало, катта тарбиявий таъсир кучига эга бўлган маҳобатли хайкаллар ва ёдгорликлар маъмуларини тушунашимиз. Бундай асарлар мамлакат куч-қудратини, салобатини ифодаляйди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов тасвирий санъат ижодкорлари учун мисли кўрилмаган шарт-шароитлар, қўлайликлар яратилишида бош-қош бўлибгина қолмай, ижодкорларга маҳобатли хайкаллар ва мажмуаларнинг чуқур ўйланган, пишиқ, гоёлари деталаригача теран асосланган шундай лойиҳаларни бердиларки, натижада 1993 йили Амир Темур хийбониди соҳибқироннинг етук образи акс этган маҳобатли хайкали дунёга келди.

Ана шундай қимматли, мукаммал композициялар асосида йигирма йил ичида Фарғонада Аҳмад Фарғоний, Урганчда Муҳаммад Мусо Хоразмий, Жалолиддин Манғуберди, Навоий шаҳрида Алишер Навоий, Термиз шаҳрида Алпомиш, Қарши шаҳрида «Эл-юрт таянчи» каби ўнлаб маҳобатли хайкаллар ўрнатилди.

Тошкент шаҳрининг марказида — Мустақиллик ҳамда хотира майдонларида замонавий ва монументал санъатимизнинг ноёб намуналари сифатида эътироф этилган «Мустақиллик ва эзгулик» монументи, «Мотамсаро она» хайкаллари ҳам муҳтарам Юртбошимизнинг гоёлари ҳамда йўл-йўриқлари асосида қад ростлади. Шу тарихи Самарқандда, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб мумтоз асарлар бунёд этилди.

Йигирма йил давомида рангтавсир, графика, хайкалтарошлиқ соҳасидаги улкан ўзгаришлар ҳақида фикрлаш эканмиз, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрамига бағишланган кўрғазмага шу кунларда қуриляётган тадориқлар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бу кўрғазмага мамлакатимиз шаҳар ва туманларида яшаб ижод қилаётган, рассомларнинг ижод намуналари саралаб олинган эътиборлидир. Маъжур кўрғазмага асарлар қабул қилиш тадбирининг ўзи байрам тусини олди.

Талабчан хайъат аъзолари ҳар ўнта асардан битта ёки иккитасини синчковлик ва овозга қўйиш йўли билан саралаб олдилар. Бу асарларнинг ҳар бирида жонажон Ватанимизнинг гўзал манзаралари, шаҳарларимиз жамоли, замондош қахрамонлар қиёфалари акс эттирилган. Шунингдек, тарихий жанрда ижод қилаётган рангтавсирчи, график ва хайкалтарошларимизнинг аждодларимиз образлари акс эттирилган асарлар ҳам Марказий кўрғазма залини безайдиган бўлди.

Ватанимиз мустақиллигига бағишланган бундай кўрғазмалар барча вилоятлар марказларида бўлиб ўтади. Мамлакатимиз тасвирий оламидаги бу санъат байрами юртимизнинг барча бадиий коллежларида, ва олий ўқув юртиларида устозлар ва шоғирдлар асарлари кўрғазмаларини ташкил этиш билан давом этади.

Гулнора РАҲМОН,
ЎзБА Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

МТС-СИНХРОНЛАШТИРИШ

Телефон рақамлари, тақвимдаги воқеалар ва қайдларни сақланг ва ҳар доим уларни тиклашингиз мумкин!

Хизматни активлаштириш учун *111*0281# 3 теринг.

5001 рақамига SMS орқали S ҳарфини юбориб, сошлашларга эга бўлинг ва барча маълумотларни синхронлаштиринг.

Ҳар ойлин абонент тўлови - 50,30

Изоҳлар:

- Батафсил маълумот sync.mts.uz сайтыда
- «МТС-Синхронлаштириш» сервисидан фойдаланиш учун «MMS/WAP/GPRS-Internet» хизматини ёқиш керак. Фойдаланиладиган GPRS-трафин абонент тариф реңасига мувофиқ туланади.
- Синхронлаштириш сошлашларини олиш учун сўров юбориш бепул.



бир қадам олдинда



ЛИЦЕНЗИЯ: RR-0001.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ»

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида ўз худудий филиалларига эгадир.

Жамият Республикамиз худудиди риэлторлик соҳасида қуйидаги йўналишлар бўйича хизматларни кўрсатади:

- кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилиқ;
- кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;
- кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;
- кўчмас мулк бозориди ахборот ва маслаҳат хизматлари бўйича риэлторлик хизматларини кўрсатади.

Жамиятга сифатли риэлторлик хизматларини кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар ва кўп йиллик тажрибага эга маълумоти мутахассислар мавжуд.

«Ko'snmas mulk savdo xizmati» Масъуляти чекланган жамияти кўчмас мулк бозориди фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади.

Ҳурматли юртдошлар!

Жамиятимизда Сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши қафолатланади.

- ▶ Манзилимиз: Тошкент шаҳар Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1а-уй.
- ▶ Мурожат учун телефонлар: 228-80-23, 228-80-24, факс: 228-84-48.
- ▶ Электрон почта: riehtsavdo@inbox.uz

КўЧМАС МУЛК БОЗОРИДА ЭНГ БИРИНЧИ, ЭНГ ИШОНЧЛИ.

Текинннз кўқаргунча эқинннз кўқарсин

- Ақли одам мол-дунё деб ўзини ўтга-чўққа урмайди. Мол-мулк қулига айланишдан ўзини тийиб, топганини яхшиликка ишлаатади. Тирикчиликдан ортганига ё қалбини бойятади, ё ҳимматиға яраша сажоват қилади.
- Мақсад сари мураса — энг яхши хулоса.
- Бойнинг божаси, камбағалнинг хўжаси кўп.
- Текинннз кўқаргунча эқинннз кўқарсин.
- Сени десам, ўзимни унутаман.

Қамбар ОТА

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ ОАЖ 1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

HURRIYAT MUSTAQIL QAZETA Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. Индекс: ақса обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528 9772010752002

Бош муҳаррир Уктам МИРЗАЁРОВ Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Электрон манзил: hurriyat@doda.uz Тахририятга келган хатларга 5зема жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51 Реқлама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11 8-374-250-90-39 Бухоро — 8-365-592-85-02 Самарқанд — 8-366-233-62-12 Сурхондарё — 8-376-396-30-59 Фарғона — 8-373-215-80-58 Хоразм — 8-362-291-48-44

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ! Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 238-36-48 Сайт: www.pochta.uz, E-mail: oaj@post.uz «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ Топшириш вақти — 21 00 Топширилди — 21 00 ① — тижорат белгиси. Адади: 5663 Буюртма — Г-855 12 С 5